

2010-3-сон

Дастлабки тергов органи томонидан 1993 йил 22 январдаги «Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Минск конвенциясининг талабларига риоя қилинмаганлиги сабабли жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун қайтарилди.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясининг 2009 йил 1 декабрдаги ажрими билан ўзгартирилган, шу суднинг 2009 йил 4 ноябрдаги ҳукми билан Х. Жиноят кодекси 25,97-моддасининг 1-қисми билан 11 йилга озодликдан маҳрум қилиш, Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида узил-кесил 12 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Х. 2008 йил 12 июль куни таниши А. билан Самарқанд шаҳридаги “Қозикалон” масжиди олдида спиртли ичимликлар истеъмол қилиши жараёнида ўзаро юзага келган жанжал натижасида А.ни қасддан ўлдириш мақсадида ўткир санчиб кесувчи жисм билан унинг қорин ва кўкрак соҳасига бир неча маротаба уриб, ходиса жойидан яширинган. А.га ўз вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам натижасида унинг ҳаёти сақлаб қолингани сабабли, Х. ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда жиноятини охирига етказа олмаган.

Дастлабки тергов органи ишни тергов қилиш жараёнида Жиноят процессуал кодексининг 22-моддаси талабларига риоя этмагани, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилмагани аниқланган.

Жиноят процессуал кодексининг 9-моддасида Ўзбекистон Республикасига хорижий давлат ушлаб берган шахс ўзи ушлаб берилгунига қадар содир этган ва ушлаб берилишига сабаб бўлмаган жинояти учун ушлаб берган давлатнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши,

жазоланиши, шунингдек, учинчи бир давлатга ушлаб берилиши мумкин эмаслиги назарда тутилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Х. муқаддам жиноят ишлари бўйича Сиёб туман судининг 2002 йил 23 июлдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 273-моддаси 5-қисми билан, Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилган ҳолда, 8 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, кейинчалик жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар судининг 2008 йил 12 мартдаги ажрими билан Жиноят кодексининг 73-моддасига асосан 2 йилу 39 кунда муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида янги жиноятни содир этиб, ходиса жойидан яширинган. Шу сабабли унга нисбатан 2008 йил 29 август куни қидирув эълон қилинган.

Х. Тожикистон Республикасида ушланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси 2008 йил 16 декабрдаги хат билан 1993 йил 22 январдаги «Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Минск Конвенциясининг 58-моддаси талабига мувофиқ Тожикистон Республикаси Бош прокуратурасидан Х.ни қасддан одам ўлдиришга қаратилган жинояти учун жинорий жавобгарликка тортишни сўраган.

Минск Конвенциясининг 56-моддасининг 3-қисмида шахс олти ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ёки оғирроқ жазога ҳукм қилинган бўлса, унга нисбатан чиқарилган суд қарорини ижро этиш учун иккинчи давлатдан сўралиши лозимлиги қайд этилган.

Шунингдек, Минск Конвенцияси 58-моддаси «в» бандида ушлаб бериш тўғрисидаги талабномада шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, фуқаролиги, яшаш жойи, қиёфасининг тавсифи ёки фотосурати, бармоқ излари ҳамда бошқа маълумотлар бўлиши лозим.

Бироқ дастлабки тергов жараёнида Х. муқаддам ўта оғир жиноят содир этганлиги учун 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, суд қарори ижро этилмаганлиги, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида Х. янги

жиноятни содир этганлиги Бош прокуратуранинг сўроқ хатида кўрсатилмаган.

Минск Конвенциясининг 59-моддасида шахсни ушлаб бериш ҳақидаги талабномада етарли маълумотлар мавжуд бўлмаса, қўшимча маълумотлар сўраб олиниши мумкинлиги қайд қилинган.

Минск Конвенциясининг 80-моддасига мувофиқ икки давлат ўртасидаги шахсни ушлаб бериш ҳамда жавобгарликка тортишишлари фақат келишувни имзолаган давлатларнинг Бош прокуратуралари орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 419-моддаси 1-бандида, дастлабки тергов тўлиқ ўтказилмаган ҳолда, уни суд мажлисида тўлдириш мумкин бўлмаса, суриштирувчи ёки терговчи томонидан ушбу Кодекс талаблари жиддий бузилган бўлса ва бу ишнинг тўғри ҳал қилинишига тўсқинлик қилса, жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун қайтарилиши лозимлиги кўрсатилган.

Дастлабки тергов органи томонидан қайд этилган Қонун талабларига риоя этилмаган. Муқаддам ўта оғир жиноят содир этган Х.га нисбатан чиқарилган суд қарорини ижро этиш Тожикистон Республикаси Бош прокуратурасидан сўралмаган. Бу ҳолатларни суд мажлисида тўлдиришнинг эса имконияти йўқ. Иш бўйича Жиноят процессуал кодексининг талаблари жиддий бузилганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2010 йил 1 апрелдаги ажрими билан Х.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун қайтарилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари томонидан билдирилган протест асосида иш Олий суд Раёсатида кўрилиб, Раёсат 1993 йил 22 январдаги «Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Минск Конвенциясининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 9-моддаси талабларини бажариш мақсадида Бош прокуратура Х.га нисбатан чиқарилган илгарги ҳукмни ижро этиш, Х. жазонинг ўталмаган қисми мобайнида янги

жиноятни содир этганлиги ҳақида Тожикистон Республикасига талабнома билан мурожаат этиш лозимлиги ҳамда бу камчиликлар фақатгина ишни қўшимча тергов юритиш жараёнида бартараф этилиши мумкинлигини инобатга олиб, 2010 йил 12 майдаги қарори билан Х.га нисбатан чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2010 йил 1 апрелдаги ажримини ўзгаришсиз, протестни қаноатлантирилмасдан қолдирди.

ЖСҲ-57-10-назорат иши

